

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Атак-чечак ёшидан тарбия кўриб... хусусий боғча давлат билан шериклик асосида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9.09.2017 йилдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (кейинги ўринларда — Қарор) мувофиқ, барча кичик ёшдаги болакайларни таълим тизими билан тўлиқ қамраб олиш мақсад қилиб қўйилди. Қарорнинг амалга оширилиши мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш имконини беради.

Ўтган даврда мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди. Қарор билан Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Қандай камчиликларимиз бор?

Мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга қуйдаги тизимли камчиликлар тўсқинлик қилган:

- соҳани бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада (хусусан, нодавлат секторда) замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаган;
- ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабон мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган;
- МТМ инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг амалдаги ҳолати болаларни МТМ билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаган, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим МТМнинг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келди;
- миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадий адабиётларни тайёрлаш ҳамда МТМлар фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермади;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал



этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмаган;

➤ МТМ ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермапти;

➤ МТМда болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактик чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келди.

Шериклик асосидаги боғча

2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этиладиган бўлди. Мазкур муассасаларни ташкил этишда қуйдагилар назарда тутилган:

➤ замонавий ижтимоий-ҳаммабон мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим муассасалари бегараз ажратилади;

➤ инвесторларга мактабгача таълим муассасаларини, айниқса шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти берилади;

➤ инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳа амалга оширилади;

➤ инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб

2-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Товарларнинг 42 та гуруҳи божхона божларидан, 8 та гуруҳи акциздан озод этилди

Президентнинг 4.09.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларига доир ПҚ-3254-сон қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан шу йилнинг 10 сентябридан товарларнинг айрим тоифалари бўйича янги импорт божхона божлари ва акциз солиғи ставкалари тасдиқланди. Хусусан, товар позицияларининг 42 та номи бўйича «ноль» божхона божли ставкаси ўрнатилди. Яъни мазкур маҳсулотлар республикага олиб киришда божхона божли тўлашдан озод этилди. Худди шундай тарзда товар гуруҳларининг 8 та тури акциз солиғи тўлашдан озод этилди.

Тегишли тузатишлар:

➤ Президентнинг 5.08.2009 йилдаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1169-сон қарорига 1-иловага;

➤ Президентнинг 27.12.2016 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699-сон қарорига 13-2-иловага киритилди.

Эслашиб ўтамиз, жорий йилнинг 1 сентябридан қатор товарлар импорт божхона божлари ва акциз солиғидан озод этилганди.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

Қандай солиқ тўловчилар ҳалол солиқ тўловчилар деб топилади?

ҚҲТБТ порталида Солиқ кодексининг 22, 54 ва 354-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз ичига олган лойиҳаси эълон қилинди.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Валюта сиёсати
такомиллашув жараёнида

7-БЕТ

Тошкентда пропискдан ўтиш
масалаларига доир

8-БЕТ

Квартира сотилди, рўйхатдан чиқилди.
Мамлакатда қанча туриш мумкин?

Атак-чечак ёшидан тарбия кўриб...



қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархнинг ижтимоий ҳаммабодлиги таъминланади.

Тўғридан-тўғри шартнома асосида

Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилди.

2017 йилда ўтказилган эксперимент якунлари бўйича республиканинг бошқа ҳудудларида мазкур амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар киритилади.

Комиссияга юкланган вазибалар

Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича Комиссиянинг асосий вазибалари этиб куйидагилар белгиланди:

➤ мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқларни, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан инвентаризация қилиш ва таҳлил этиш;

➤ мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишга, шу жумладан, зарур инфратузилмани яратишга, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришга, педагогик кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини оширишга, шунингдек, мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга тўққонлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш;

➤ мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини қайта кўриб чиқиш;

➤ МТМга болаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибини, ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий АКТнинг жорий этилиши ҳолатини танқидий ўрганиш;

➤ мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат МТМ фаолиятини лицен-

зиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

➤ МТМни ўқув-тарбиявий адабиётлар билан таъминлаш тизимини таҳлил қилиш;

➤ МТМни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш ҳамда сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар етказиб беришнинг шаффоф ҳамда соддалаштирилган тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

➤ мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Нималарни тайёрлаш керак?

Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2 ой муддатда Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмини белгилувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим.

Нодавлат мактабгача таълим тизимини кенгайтириш мақсадида Комиссияга мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда нодавлат МТМ фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Рақамлар тилга кирганда

Ҳозирги вақтда республикада 4 893 та давлат МТМ фаолият олиб бораётган бўлиб, уларни молиялаштиришга фақат 2016 йилда Давлат бюджетидан 1,6 трлн сўм ажратилган. Ушбу соҳада соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшиб келатилган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Фаррухжон Файзиев, ҳуқуқ магистри.



Эслатиб ўтамиз, келаси йилнинг 1 январидан бошлаб вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари бериш механизми жорий этилади.

Кимлар ҳалол солиқ тўловчилар ҳисобланади?

Лойиҳага кўра охириги 2 йил мобайнида (янги ташкил этилганлар – солиқ мажбуриятлари вужудга келган пайтдан) солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарган ва уни бузганлик учун жавобгарликка тортилмаган солиқ тўловчилар ҳалол солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ таътиллари дегани нима?

Солиқ кодексининг 54-моддасига солиқ таътиллари тушунчаси ва уни бериш механизми киритилмоқда. Бу ҳисоблаб ёзилмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини, шунингдек солиқ қарзи суммасини бир вақтда ёки босқичли-босқич (тўлов муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш) тўлаш билан тўловни анча кейинроққа кўчиришдир.

Улар вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчиларга ваколатли орган томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни 24 ойгача бўлган муддатга кўчириш кўринишида тақдим этилади.

Кичик бизнесга ЯСТ бўйича тўлов муддатини кечиктириш тақдим этилади

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва лотереялар ташкилотчиларидан ташқари ЯСТ тўловчиларга, улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб 1 йилгача муддатга ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш таклиф этилди. Бу ҳолда кечиктирилган суммалар имтиёзли давр тугагандан кейин 12 ой мобайнида тенг улушлар билан тўланади.

Юқорида кўрсатилган тўлов муддатини кечиктиришни тақдим этиш тартибини Молия вазирлиги, ДСҚ ва Иқтисодиёт вазирлиги белгилайди.

Солиқ таътиллари, солиқ қарзини тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш ҳисоблаб ёзилмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси, шунингдек солиқ қарзи суммасининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан тақдим этилиши мумкин.

Лойиҳа ўзгартирилиш, тўлдирилиш ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, экспертмиз.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*

	5.09.2017 й.	12.09.2017 й.
1 Австралия доллари.....	6437,07	6511,74
1 Англия фунт стерлинги.....	10495,17	10661,38
1 БАА дирҳами.....	2205,28	2203,26
1 АҚШ доллари.....	8100,00	8092,13
1 Канада доллари.....	459,37	459,78
1 Кувейт динари.....	652,29	666,48
1 Хитой юани.....	1241,19	1244,20
1 Малайзия ринггити.....	1897,40	1927,62
1 Польша злотийси.....	2275,54	2291,54
1 СДР.....	11480,70	11525,62
1 Туркия лираси.....	2362,69	2373,69
1 Швейцария франки.....	8461,30	8522,52
1 ЕВРО.....	9645,48	9718,65
10 Жанубий Корея вонини.....	7,18	7,15
1 Япония иенаси.....	73,84	74,85
1 Россия рубли.....	139,91	141,21
1 Украина гривнаси.....	312,74	310,64

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХИЗМАТЛАР
Ташкилотлар учун компьютер ва маъишӣ техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.
Иш ҳужжатларини муҳревләш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.
Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.
Хизмәтлар лицензияланган.

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни ўқинчи шахсларга бермасликка ҳақли.


МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	11.09.2017	1	1,7009	1	2,0422	1	0,0296
Арманистон	8.09.2017	1	478,16	1	576,71	1	8,38
Беларусь	11.09.2017	1	1,9206	1	2,3138	100	3,3676
Грузия	11.09.2017	1	2,4618	1	2,9702	100	4,3150
Қозғоғистон	11.09.2017	1	334,29	1	403,12	1	5,86
Қирғизистон	12.09.2017	1	68,5518	1	82,4027	1	1,1991
Молдова	11.09.2017	1	17,7452	1	21,4185	1	0,3111
Россия	12.09.2017	1	57,1694	1	68,6490	–	–
Тожикистон	12.09.2017	1	8,8078	1	10,6319	1	0,1514
Туркменистон	12.09.2017	1	3,5000	1	4,2049	100	6,1289
Украина	11.09.2017	100	2 607,2964	100	3 144,3995	10	4,5745

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА	УШБУ СОНДА
• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Атак-чечак ёшидан тарбия кўриб... – Нотариусга муаммоларсиз борса бўлади – Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз • НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР – Қандай солиқ тўловчилар ҳалол солиқ тўловчилар деб топилади? • РАСМИЙ ҲУЖАТЛАР – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони – «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида». • Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат:	– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. • Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 19 августдан 25 августгача бўлган маълумот • ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ – Онанинг ташвишлари – Паспорт йўқотилган бўлса – Ўз вақтида чиқиб кетинг – Қўтилмаган ноҳушликлар

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайитириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЎЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ:

– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

• МЕЎРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 19 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Кейинги йилларда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилгани қайд этилсин.

Мақбул миқдорда ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган сиёсат Ўзбекистоннинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган ишончли, тўловга лаёқатли халқаро шерик сифатидаги имиджини таъминлади, кейинчалик валюта курсини либераллаштириш учун зарур оптин-валюта захирасини шакллантириш, валюта ресурсларини реал иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификация қилишнинг устувор соҳаларига йўналтириш, жаҳон молиявий инкрузининг салбий оқибатларини юмшатиш имконини берди.

Шу билан бирга, валюта муомаласи соҳасининг ҳаддан зиёд маъмурий тартибга солиниши алоҳида тармоқлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ва преференцияларнинг асоссиз равишда кам самарали бўлган тизимини шакллантирди, бизнес юритишда тенг бўлмаган шарт-шароитларнинг вужудга келиши ва рақобатнинг бозор тамойиллари бузилишига олиб келди, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, товарлар ва хизматлар экспортини оширишда, умуман, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида тўқтинчи қилувчи омилга айланди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

биринчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўйбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш;

иккинчидан, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш;

учинчидан, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш;

тўртинчидан, сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш;

бешинчидан, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қийматли қозғалар бозорини ривожлантириш, шуниингдек, оқич бозорда операциялар ҳамда давлат қийматли қозғаларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш;

олтинчидан, монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш;

еттинчидан, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг тавақалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш;

саккизинчидан, валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши

*Ушбу Фармон ва унга Шарҳ «Халқ сўзи» газетасининг 5.09.2017 йилдаги 176 (6870)-сонида эълон қилинган.

учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриш;

Тўққизинчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасига валюта сисъатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича мақсизли чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Белгилансинки, 2017 йилнинг 5 сентябидан:

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган ўтказмалар) бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкин;

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларида сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлаши мумкин;

истеъмол товарлари импорти билан шугулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият қўрсатувчи яқка тартибдаги тижораткорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобавараклар орқали сотиб олишга рухсат берилди;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади;

чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият қўрсатувчи яқка тартибдаги тижораткорлар, шунингдек, фермер ҳўжаликлари ўз банк ҳисобаваракларидаги чет эл валютасини нақд қўринишда олиши мумкин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади, халқаро таъжрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали тўловлар бундан мустасно;

товар, иш ва хизматлар учун нарх ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устак капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланади;

давлат божлари, йигимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундирилади, консуллик йигимлари бундан мустасно.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра:

хорижий валютада кредитлар бериш ва ундириш шартлари кредит сисъатидан келиб чиққан ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига асосан тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади;

банкларнинг хорижий валюта олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар бўйича таваккалчиликлари тижораткорлик таваккалчилиги ҳисобланади ҳамда уларни бошқариш тижорат банкининг ваколатига қиради;

хорижий валюта олди-сотдиси бўйича комиссияси воситачилик ҳақи миқдори тижорат банки томонидан мустақил белгиланади;

тижорат банклари хорижий валютада операцияларни амалга ошириш бўйича лицензия бериш амалиёти бекор қилинади. Тижорат банкларининг хорижий валюта билан операциялари банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3082-сонли қарори билан тузилган Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш Республика ва доимий фаолият юритадиган ҳудудий комиссиялари нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар қўрсин, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматлар учун нарх ва тарифлар асосисз ошишининг олдини олиш ва бунга чек қўйиш, уларнинг тақчиллиги ва уларга бўлган ажиотажли талаб юзасга келишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек, уларни сотиш жараёнида коррупцияга ва суиистеъмолликка қарши курашиш чораларини қучайтириш;

ижтимоий аҳамиятга эга асосий товарлар, шу жумладан, дори воситалари ва тиббиёт бўмларининг чакана нархларини шакллантириш бўйича белгиланган тартибга риоя этилишини ҳар кунги тизимли ўрганиш ва назорат қилишни таъминлаш;

мамлакатимиз ҳудудий бозорларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга қўмаклашиш жамғармаса маблағлари ҳисобидан ҳамда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжаликларига шароитлар яратиш, шу жумладан, ўзлари ишлаб чиқарган товарларни воситачиларсиз тўғридан-тўғри аҳолига сотиш учун махсус майдончалар ташкил этиш орқали истеъмол товарлари билан тезкор тўлдириш;

йирик улгуржи импортчи ташкилотлар билан биргаликда импорт қилинадиган истеъмол товарлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда валюта сисъатини либераллаштириш оқибатларини юмшатишни назарда тутувчи ҳўкумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин, улarda қуйидагилар:

банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидилигини таъминлаш орқали уларнинг таваккалчиликларга бардошлилигини ошириш, халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда банк таваккалчиликларини баҳолашни тақомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий қилишни қўзда тутувчи республика банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар;

иктисодиёт ва аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлашга, хорижий кредитларга ўз вақтида хизмат қўрсатишда давлат томонидан молиявий ёрдам бериш, солиққа тортиш механизмлари ва тамойилларини тақомиллаштириш, давлат томонидан вақтинча субсидиялар ажратиш, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаса ва тижорат банклари кредитларини реструктуризация қилишга қаратилган иқтисодиётнинг таянч тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари;

импорт қилинаётган товарлар ва хизматлар ички нархларининг ўсишига йўл қўймайлик мақсадида божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш чора-тадбирлари;

2017–2018 йилларда 14 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган оилалар учун белгиланган нафақа олувчилар сонини ўртача 1,5 баробар ва кам таъминланган оилалар учун белгиланган моддий ёрдам олувчилар сонини 2 баробарга ошириш, ишсиз фуқаролар учун аҳоли пунктлари, маҳалаларни ободонлаштириш, ариқлар, ирригация тармоқларини тозалаш, уй-ҳўй коммунал ҳўжалиги объектларини таъмирлаш, инфратузилмани яхшилаш, йўл ва қўчаларни таъмирлаш бўйича ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларини ташкил этиш, шунингдек, Давлат бюджет, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоралар қўриш, шу жумладан, оилаларнинг алоҳида давлат қўмағига эҳтиёжманд тоифаларига уй-ҳўй таъмирлаш ёки ҳарид қилиш, қорамол, парранда ва энг зарур маший техника сотиб олишга қўмаклашиш ҳисобига аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини қучайтириш назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

солиққа тортиш базасини кенгайтириш ва ички захира-ларни сафарбар қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига бюджет даромадларини ошириш орқали 2017 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг профицит билан бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Давлат бюджетига кўзда тутилган барча тадбирларнинг тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш ва тасдиқланган харажатларни асоссиз қисқартириш амалиётига барҳам бериш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича тасдиқланган давлат дастурларида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз амалга оширишни назарда тутган ҳолда, 2018 йилги Давлат бюджети лойиҳасини профицит прогнози билан ишлаб чиқиш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги маблағларини қайта баҳолаш натижасида олган фойдаси солиққа тортиш базасига киритилмайдиган вақтинча тартиб (2018 йилнинг 1 июлига қадар) белгилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мазкур Фармонда белгиланган нормалар таъсирининг таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Унда:

ҳавола қилувчи меъёрларни максимал даражада қисқартириш ҳолда, валюта операцияларининг амалиётда учрай-диган барча жиҳатлари;

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг барқа-дорлигини таъминлаш;

юрдик ва жисмоний шахсларнинг ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқини тўлиқ рўйга чиқариш; республика иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳол-да, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш масалалари кўзда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Рес-публикаси ҳудудига нақд чет эл валютасининг ноқонуний муомаласини ва нақд чет эл валютаси билан ноқонуний операцияларни амалга оширишни бартараф этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қўнунчиликка ушиб Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур Фармон иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республика-си Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 2 сентябрь
ПФ-5177-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармониغا ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аввало амалдаги валютани тартибга солиш тизimini тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектига тартиб савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишига мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оши-риш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, хори-жий инвестицияларни жалб қилишга тўққонлиқ қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги асосий сабаб бўлди.

Жумладан, валютани тартибга солишга ҳақдан зиёд маъ-мурий аралашув, ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва ҳўжалик юритувчи субъ-ектлари учун алоҳида имтиёз ва преференциялар мавжудли-ги оқибатида тадбиркорлик субъектлари ўртасида бизнесни юртишга доир тенг бўлмаган шарт-шароитлар пайдо бўлди ҳамда параллел чет эл валютаси бозори ва айирбошлаш курси вужудга келди.

Валюта курси сиёсатининг ташқи савдони рағбатланти-ришдаги ролининг сусайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлари нархларининг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини пасайтирди.

Мамлакатимизда фақатгина бозор механизмлари асосида фаолият кўрсатадиган валюта бозорини шакллантириш барча банкларнинг мижозлар (юрдик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, яққа тартибдаги тадбиркорлар) эҳтиёжларини қондириш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун валюта биржаси савдоларида эркин иштирок этишини,

шунингдек, мижозларнинг чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалдаги тартиб ва техник регламентларига риоя этган ҳолда ўз валюта маблағларини ҳеч қандай чекловсиз тасарруф этишини тақозо этади.

Мазкур Фармон билан юридик ва жисмоний шахслар то-монидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операция-ларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олинishi ва сотилиши кафолатланади.

Хусусан, **юрдик шахслар** ўз маблағларини банкларда жорий халқаро валюта операцияларини, шу жумладан, товар, иш ва хизматлар импорти, фойдани релатриация қилиш, кредитларни қайтарishi, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характериға эға бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни банклардаги ҳисобварақлар орқали амалга оши-ришда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозор курси-да чет эл валютасини сотиб олиш имкониятининг яратилиши «яширин» иқтисодиётнинг қисқаришига ва пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишга хизмат қилади.

Жисмоний шахслар ҳам тижорат банкларининг конверсион бўлимида чет эл валютасини эркин сотиб олиши, сотиб олинган маблағларини халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз, шу жумладан, банк ҳисобварақлари орқали хорижда ўқиш, даволаниш ва бошқа мақсадлардаги тўловлар учун фойдаланиши мумкин.

Халқ истеъмол товарларини импорт қилиш билан шу-ғулланувчи яққа тартибдаги тадбиркорлар банклардаги ҳисобварақларида савдо тушумини ва бошқа даромадларини

жамғариб борган ҳолда кейинчалик уни жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, яъни сотиб олинган валюта маблағларини халқаро тўлов карталарига ўтказиш ва чет элда чекловларсиз, шу жумладан, товарларни импорт қилиш учун ишлатиш мумкин.

Аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш тижорат банкларининг барча филиал ва минибанклари томонидан чекланмаган миқдорда ва сарсонгарчиликсиз амалга оширилади.

Бундан ташқари, банклар томонидан аҳоли билан валюта айирбошлаш операцияларининг сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини соддалаштириш;

байрам ва дам олиш кунларида валюта айирбошлаш шохб-чаларининг узайтирилган иш тартибини жорий қилиш;

тижорат банкларининг филиаллари ва минибанкларида, айниқса, йирик савдо марказлари ва бозорларда қўшимча валюта айирбошлаш шохб-чаларини очиб;

конверсион бўлимлар орқали чет эл валютасини сотишда олинадиган воситачилик ҳақи миқдорини имкон даражасида пасайтириш чораларини қўриш;

халқаро тўлов карталаридан хорижда фойдаланишда мавжуд барча чекловни бекор қилиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уларга чет эл валютасидаги даромадларини ўз хоҳишига қўра эркин тасарруф этиш, бунда банк ҳисобварақларидан нақд чет эл валютасини ечиб олишгача бўлган ҳуқуқ берилади.

Кейинги йилларда экспортчиларни рағбатлантириш учун кўплаб ишлар амалга оширилди, уларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кўплаб имтиёзлар берилди, экспорт фаолиятини ташкил этиш бўйича қатор тартиботлар бекор қилинди. Экспорт борасида мавжуд имтиёزلарга қарама-дан валюта тушумини мажбурий сотиш талаби экспортни янада рағбатлантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб, экспортчилар ўз валюта тушумини тўлиқ тасарруф этиш имкониятига эга эмас эди, бу эса экспортни кўплаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатга мос келмайти.

Шу сабабли мазкур Фармон билан товарлар (иш, хизматлар) **экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби** мулкчилик шакли ёки экспорт қилинаётган маҳсулот туридан қатъи назар, барча экспортчи ташкилотлар учун **бутунлай бекор қилинди**.

Бозор таъминлиги асосида валюта ресурслари оқимининг самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, ташқи савдода валюта сиёсатининг рағбатлантирувчи ролинини ошириш мақсадида **миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси факатгина** валюта биржасининг банклараро электрон савдоларида валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бунда айирбошлаш курсини бозор механизмлари асосида шакллантириш мақсадида банклараро савдоларда Марказий банкнинг иштироки камайтирилади. Алоҳида ҳолларда Марказий банк айирбошлаш курсининг ҳаддан ортиқ тебранишини бартараф этиш учун хорижий валютани сотиш ёки сотиб олиш операцияларини амалга ошириш мумкин.

Айирбошлаш курсини эгилувчан ҳолда тартибга солиш республикага келадиган барча валюта ресурслари (экспорт тушуми, транс-егаравий пул ўтказмалари ва бошқалар) оқимининг расмий бозорга келиб тушиши орқали чет эл валютасига бўлган жами талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ва олтин-валюта захиралари ҳажмларини аввалгидек юқори даражада сақлаб қолиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш имконияти ва миллий валюта айирбошлаш курсини бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда белгилаш мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги ва рентабеллигини ошириш билан бир қаторда мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги технологиялар ва билимларни жалб қилиш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, айирбошлаш курсининг либераллаштирилиши экспорт имкониятларини оширишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб, бу ноанъанавий соҳа ва тармоқларда экспорт ҳажмининг ортишига кўмаклашади ва айирбошлаш курсига таъсирчан товар экспортчиларининг молиявий ҳолатини нафақат экспорт ҳажмининг ошиши, балки олинган даромадларни миллий валютага қайта ҳисоблаганда вужудга келадиган фойда ҳисобидан ҳам тубдан яхшилайди.

Валюта сиёсатини ислоҳ қилишга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегиясини амалга оширишдаги биринчи зарурий қадам сифатида қаралмоқда ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан пул-кредит, солиқ-бюджет ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган саяё-ҳаракатларнинг самарали мувофиқлаштирилишига боғлиқ.

Айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлашда пул-кредит кўрсаткичларининг ўзгариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, Марказий банкка монетар инструментлардан фаол ва кенг равишда фойдаланиш орқали миллий валютанинг барқарорлигини ва инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш, пул массаси ҳаддан зиёд ва асосланмаган ҳолда ўсишининг олдини олиш, давлат харажатлари ва даромадларининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсат юритиш вазифаси юклатилган.

Фармонда кўзда тутилган фискал чора-тадбирларни қўриш, яъни бюджет харажатларини қатъий равишда Давлат бюджетига келиб тушган даромадлар доирасида амалга ошириш, 2017–2018 йилларда Давлат бюджетини профицит билан ижро этиш имконини беради.

Бунда иқтисодиётда нархлар ўзгариши устидан самарали назоратни таъминлаш ҳамда монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган пул-кредит сиёсатининг янги таъминот ва механизмларини жорий қилиш муҳим устуни тугати.

Валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлаш борасида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни назорат қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Банк тизимининг барқарорлиги нафақат миқозларнинг хорижий валютага бўлган талабини қондириш нуктаи назаридан, балки кредит портфели, депозит базаси ва кўрсатилган хизматлар таркибиде кутилаётган сифатли ўзгаришлар нуктаи назаридан ҳам муҳимдир.

Шу муносабат билан банк тизимининг барқарорлиги тижорат банкларининг капиталлашув даражасини сақлаш, пруденциал назоратни қучайтириш, шунингдек, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг содир бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланади.

Давлат томонидан кўплаб-қувватлашнинг дастлабки босқичи сифатида давлат банкларининг устав капиталига 655 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ киритилганини таъкидлаш жоиз. Банкларнинг ликвидлигини таъминлаш учун уларга қайта молиялаштириш кредитларини бериш механизми жорий қилинди.

Президент Фармониди илгор халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда содир бўлиши мумкин бўлган банк хатарлари тўғрисида барвақт оголлатириш, уларни баҳолашни тақомиллаштиришни ўз ичига олган қатор банк назорати ва мониторинги инструментларини жорий қилиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур Фармонда:

ҳўжалик юртуви субъектларнинг ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги маблағларини қайта баҳолаш натиқасида вужудга келадиган молиявий натижа солиққа тортиш базасига қиритилмаслигини қўзда тутуви вақтинчалик тартиб жорий этиш;

иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни солиққа тортиш механизмини тақомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда банкларнинг кредитларини реструктуризация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Халқаро валюта фондининг баҳоларига қўра, валюта сие-сатини либераллаштириш ўрта ва узок муддатли истиқболда иш ўринлари яратиш ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига сезиларли ижобий таъсир қўрсатиши.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг қисқа муддатли истиқболда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига нисбатан вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида аниқ манзилли ва шаффоф ижтимоий нафақа ва субсидиялар жорий этиш, касаначиликка, томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишга кенг жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитларини имтиёзли микрокредитлар ажратиш орқали яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш қўзда тутилган.

Банд бўлмаган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, жумладан, уй-жой фонди объектилари ва уй-жой коммунал инфратузилмаси, кўчалар, йўллар, маҳаллалар худудлари, ижтимоий-маданий аҳамиятдаги объектилар, ирригация тармоқларини ободонлаштириш ва таъмирлаш, шунингдек, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишлари ва имконияти чекланган шахсларга ёрдам беришга жалб қилиш қўзда тутилган **янги механизм** жорий қилинаётганини қайда этиш лозим.

Валюта айирбошлаш курсини либераллаштиришнинг товар ва хизматлар, айнққса, халқ истеъмоли товарларига ички нарх-навонинг шаклланишига таъсирири камайитириш мақсадида амалдаги божиона меъёрлари ва тўловлари ставкаларини тубдан қайта қўриб чиқиш вазифаси белгиланди.

Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навои мониторинг ва назорат қилиш Республика ва доимий фаолият юритадиган худудий комиссияларига нархларнинг барқарорлигини ва бозорларнинг истеъмол товарлари билан тезкор тўлдирили-шини таъминлаш вазифаси топширилди.

Мазкур Фармон билан миллий валютага бўлган ишончни кучайтиришга қаратилган қатор нормалар белгиланди. Кейинги йилларда айрим товар ва хизматларни (автомобиллар, авиачипталар ва бошқалар) республика худудидида чет эл валютасига сотиш амалиёти тадбиркорлар ва аҳолига ноқулайликлар яратиш, уларнинг эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Бундан ташқари, товар ва хизматлар нархини чет эл валютасида ўрнатиш ҳолатлари ҳам Марказий банк расмий курси ўзгариши оқибатида нархларнинг миллий валютага ҳисобланганда асосий равишда ошишига олиб келаётган эди.

Бундан бўён республика худудидида барча товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар ва тўловлар, давлат божиларининг ундирилиши, товар ва хизматлар нархларининг белгиланиши фақат миллий валютада амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қулай шароитлар яратиш мақсадида мазкур Фармон билан чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг банкнинг кредит сие-сати ва томонларнинг келишуви асосида миллий ёки чет эл валютасида қайтарилишига рухсат берилди.

Валюта бозорини либераллаштириш жараёнида давлат иқтисодий сие-сатининг мазкур Фармонда белгиланган устувор йўналишларининг тўлиқ ижроси таъминланиши барча ташқи савдо фаолияти қатнашчиларига тенг шароит яратади ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг маъкеини кучайтиради, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИДА ИШТИРОК
ЭТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ
Тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик томонидан
2017 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2924

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 4.09.2017 йилдаги 35 (795)-сон, 942-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни-нинг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сон «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига муво-фиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Иқтисодиёт

вазирилик, Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча киради.

Молия вазири
Б.ХОДЖАЕВ.
116-сон

Иқтисодиёт вазири
Г.САИДОВА.
141-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРЛИЕВ.
2017-38-сон

Тошкент ш., 2017 йил 31 июль.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИЧИК САОАТ ЗОНАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ–2973-сон «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМий ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ–2973-сон «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 7-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарида ташкил этилаётган ташкилотлар (бундан буён матнда КСЗ иштирокчилари деб юритилади) Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари ҳудудига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғи ва фойда солиғи, шунингдек ягона солиқ тўловидан (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган субъектлар учун) озод қилинади (бундан буён матнда солиқ имтиёзлари деб юритилади).

2. Солиқ имтиёзлари КСЗ иштирокчилари томонидан энг кам иш ҳақининг 3 000 бараваридан кам бўлмаган миқдорда инвестиция қилиш шарти билан тақдим этилади.

Агар ташкилотни кичик саноат зонаси ҳудудига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир йил давомида қиритилган инвестициялар ҳажми энг кам иш ҳақининг 3 000 бараваридан кам бўлса, солиқ имтиёзлари бекор қилинади ҳамда уларни қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш мажбурияти тикланади. Бунда кейинги йилларда КСЗ иштирокчиси солиқ имтиёзларини қўллаш ҳуқуқини йўқотади.

3. Агар КСЗ иштирокчисининг йиллик соф тушуми энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан кам бўлса, солиқ имтиёзлари бекор қилинади ҳамда уларни тегишли 12 ойлик давр учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш мажбурияти тикланади.

Солиқ имтиёзларини қўллаш мақсадида йиллик соф тушум юридик шахс КСЗ иштирокчиси бўлган ойдан бошлаб ҳар 12 ойлик давр учун олинган соф тушумдан келиб чиқиб аниқланади.

КСЗ иштирокчилари йиллик соф тушумини тасдиқлаш учун ҳисобот даври учун тақдим этиладиган Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китоби ёки Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги 12 ойлик давр учун йиллик соф тушум тўғрисидаги маълумотномани илова қилади. Бунда маълумотнома юридик шахс КСЗ иштирокчиси бўлган ойдан бошлаб ҳар 12 ойлик давр учун тузилади.

4. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмида камида 30 фоизини ташкил қилса, солиқ имтиёзларнинг амал қилиш муддати яна икки йилга узайтирилади. Бунда имтиёзларни узайтириш даврида КСЗ иштирокчиси ушбу Низомнинг 3-бандига назарда тутилган шартларни бажариши керак.

Агар қўшимча имтиёзли даврнинг биринчи йили якуни бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоизидан кам бўлса, солиқ имтиёзлари ушбу давр учун бекор қилинади, уларни қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш мажбурияти тикланади ва КСЗ иштирокчиси кейинчалик солиқ имтиёзларини қўллаш ҳуқуқини йўқотади.

Агар қўшимча имтиёзли даврнинг иккинчи йили якуни бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоизидан кам бўлса, солиқ имтиёзлари ушбу давр учун бекор қилинади, уларни қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш мажбурияти тикланади. Бунда қўшимча имтиёзли даврнинг биринчи йили учун солиқ имтиёзлари сақлаб қолинади.

2-БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

5. КСЗни бошқариш дирекцияси ташкилотни КСЗ иштирокчиси сифатида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир кун ичида юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига хабар тариқасида қуйидагиларни юборади:

кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссияси қарорининг кўчирма нусхаси;

лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги келишувда назарда тутилган КСЗ иштирокчиси томонидан қиритилган инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар. Агар инвестициялар йил давомида қиритилса, унда маълумотлар белгиланган муддат тугагандан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тақдим этилади.

6. Агар биринчи йилда КСЗ иштирокчисининг йиллик соф тушуми энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан кам бўлса, иккинчи йилда эса соф тушум ҳажми белгиланган миқдорга мувофиқ келса (энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан кам бўлмаса), КСЗ иштирокчиси томонидан фақатгина иккинчи йил учун солиқ имтиёзларини қўллаш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

7. Агар фаолият қиритилган ташкилот кичик саноат зонасида ўзининг филиалини ёки алоҳида бўлинимасини очса ёки кичик саноат зонасида рўйхатдан ўтган ташкилот кичик саноат зонасидан ташқарида ўзини фаолиятини юритса, бундай ташкилот кичик саноат зонасида ва унинг ташқаридаги фаолият билан боғлиқ даромадларни ва мол-мулкни алоҳида ҳисобини юритиши лозим. Бунда, имтиёзлар фақатгина кичик саноат зонасига тегишли фаолият доирасида қўлланилади.

8. Давлат солиқ хизмати органлари:

КСЗ иштирокчилари ва улар томонидан қўлланилган солиқ имтиёзлари суммаси ҳисобини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги иккинчи ойнинг 25-санасидан кечиктирмай солиқ имтиёзлари суммаси тўғрисида маълумотни тақдим этади.

9. Солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби Юридик шахсларга, солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) билан тартибга солинади.

3-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

11. Солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўнун ҳужжатларида мувофиқ амалга оширилади.

12. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Юридик шахснинг тўлиқ номи _____

**12 ойлик давр учун йиллик соф тушум тўғрисидаги
МАЪЛУМОТНОМА***

Кўрсаткичлар	Сатр кодлари	Сумма (сўм)	Экспорт ҳажми (сўм)
1	2	3	4
Йиллик соф тушумнинг ҳисоб-китоб қилинган суммаси (020-сатр + 040-сатр), шу жумладан:	010		
солиқ даврида (12 ойлик давр бошланган ойдан бошлаб)	020		
(12 ойлик давр тугайдиган ҳисобот даври)	030		
030-сатрдан 12 ойлик даврни ўз ичига олувчи ойлارга тўғри келувчи соф тушум (030-сатр/ ҳисобот даврида ойлари сони х қолган ойлари сони)	040		
Маълумотномани тақдим этиш санасига белгиланган энг кам иш ҳақи	050		X
Энг кам иш ҳақига қараганда миқдорларда йиллик соф тушумнинг ҳисоб-китоб суммаси	060		X
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмидаги улуши, %да (4-устуннинг 010-сатри/3 устуннинг 010 сатри х 100)	070	X	

*Маълумотнома юридик шахс КСЗ иштирокчиси бўлган ойдан бошлаб ҳар 12 ойлик давр учун тузилади.

Изоҳ:

Агар 060-сатрнинг қиймати энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан кўп бўлса, ташкилот ушбу 12 ойлик давр учун солиқ им-
тиёзларини қўллашга ҳақли.

4-устун солиқ имтиёзларини қўшимча имтиёзли даврда қўллаганда тўлдирилади.

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлганда)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА
ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2017 ЙИЛ 19 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 22 августдаги 250-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йуриқнома-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-15.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматининг 2017 йил 14 июлдаги 22, 30, 82-сон «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2914.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 июлдаги 107-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йу-

риқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-6.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 19 июлдаги 2017-04-сон «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-4.

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 25 июлдаги 98-сон «Тегишли мутахассисликка эга врачлар тиббий ихтисослашувининг лицензияланадиган тур-

лари бўйича врачлар лавозимини эгаллаши мумкин бўлган тиббий мутахассисликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2915.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 27 июлдаги 2017-05-сон «Қимматли қўғозлар бозорига инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-4.

7. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 31 июлдаги К-2, 102-сон «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синаш воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2916 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).

8. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2017 йил 16 августдаги 469-сон «Текширувдан (қибсладан) ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумланишининг рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2782-1 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 16 августдаги 2017-06-сон «Қимматли қўғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низоми»нинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-4.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат

солиқ қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 122, 2017-42-сон «Ўзтрансгаз» АЖНинг ҳудудий газ таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга (аҳолидан ташқари) сотилган газ учун қўшилган қўйимат солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2917.

11. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги 01/29-10/18-сон «Давлатнинг ишончли вакиллари» аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2610-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги 110, 140, 2017-37, 01-02/8-29-сон «Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2918.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 12 августдаги 19/3-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-34.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 августдаги 123, 2017/09-12, 01-02/8-20-сон «Учинчи давлатларда ишлаб чиқарилган ва чегарадош давлатлар ҳудудидан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун реэкспорт қилинадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини импорт қилиш учун йўлнинг ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1210-1.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2402, 2012 йил 21 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2402-1, 2013 йил 31 июль).

Адлия вазирлигининг 2017 йил 22 августдаги 251-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар то-

монидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1688, 2007 йил 11 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1688-1, 2009 йил 20 апрель), (рўйхат рақами 1688-2, 2010 йил 15 февраль).

Адлия вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги 261-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитасининг «Учинчи давлатларда ишлаб чиқарилган ва чегарадош давлатлар ҳудудидан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун реэкспорт қилинадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини импорт қилиш учун йўлнинг ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1210, 2003 йил 27 январь).

Адлия вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги 263-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИК

Нотариусга муаммоларсиз борса бўлади

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 22.08.2017 йилда 2090-15-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Янги қурилган уйдан квартира олиш пропискадан ўтишга ҳуқуқ беради

Ўрнатилишича, пойтахт ва пойтахт минтақасида доимий пропискага эга бўлмаган шахслар фақат янги қурилган уйлардан ва фақат қуйидаги шартларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олишга ҳақли:

➤ республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар

томонидан сотиб олинган кўчмас мулк қиймати ЭКИХнинг 2 500 бараваридан кам бўлмаслиги керак;

➤ яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан сотиб олинган кўчмас мулк қиймати шартнома тузилган санадаги Марказий банк курси бўйича қиймати 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак.

Маълумот учун! Иккала ҳолатда ҳам сотувчи ва харидор ўртасидаги ҳисоб-китоблар мажбурий тартибда банк ҳисобварақлари орқали Ўзбекистон миллий валютасида амалга оширилади.

Бунда янги қурилган кўчмас мулк де-факто мулк ҳуқуқи туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншооти, турар жойни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия да-лолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 йил ўтмаган мол-мулк тушунилади.

Битимни нотариал тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади (Йўриқноманинг III боби 3-параграфида назарда тутилганлар билан бир қаторда):

➤ республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан – қиймати ЭКИХнинг 2 500 бараваридан кам бўлмаган кўчмас мулк учун пул маблағ-

лари сотувчининг банк ҳисобварағига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Агар ушбу кўчмас мулк банк кредити ҳисобига сотиб олинса – кредит шартномаси, бундан кўчмас мулк тўлов мажбурияти кечиктирилган ҳолда сотиб олинган ҳоллар мустасно (масалан, сотувчи жами суммаси бирор-бир вақт даврида қисмларга бўлиб олишга рози бўлган тақдирда – тахр.);

➤ яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан – қиймати шартнома тузилган санада 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган кўчмас мулк учун хорижий валютани Ўзбекистоннинг ваколатли банкига сотганлиги ҳақидаги ҳамда ушбу хорижий валюта-ни сотиш орқали олинган миллий валютадаги пул маблағлари сотувчининг

банк ҳисобварағига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга битимни тўловни кечиктириш шarti билан тузишга рухсат берилади. Ушбу битимни тасдиқлаган нотариус кўчмас мулк объек-

тини бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ҳақидаги маълумотларни «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади. Бунда кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга қўйилган тақиқ шартномада назарда тутилган пул маблағлари сотувчининг банк ҳисобварағига тўлиқ ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда бекор қилинади.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА: Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмасдан юқорида кўрсатилган битимларни тузиш имконияти 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида назарда тутилган. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 19.07.2017 йилдаги 527-сон қарори билан нотариал тасдиқлаш учун давлат божининг алоҳида ставкалари ўрнатилган.

Тахририятдан: Гарчи қонунчилик Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ипотека кредити ҳисобига янги қурилган кўчмас мулк олди-сотди шартномасини расмийлаштириш имкониятини берса-да, биз пойтахт ва пойтахт минтақасида пропискага эга бўлмаган шахсларга банк томонидан уларни тақдим этиш бошланганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Пойтахтдан уй сотиб олаяпсизми – иш стажини тасдиқланг

Пойтахтимиз ва пойтахт минтақасида кўчмас мулкни сотиб олиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда¹ нотариусларга Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларининг маълумотномалари асосида 3 йил давомида лавозимда бўлганлигини текшириш вазифаси юкланди. У қуйидаги асосда амалга оширилади:

➤ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 9–11-бандлари;

➤ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоя-

тида доимий прописка қилиниш ҳуқуқи бўлган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатининг (ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 2-шова) 6-банди².

Шу тариқа, камида 3 йил мобайнида лавозимни эгаллаб туриш кўрсатиб ўтилган шахсларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида прописка олиши учун муқаррар шарт ҳисобланади. Илгари фақат ички ишлар органларининг доимий прописка мавжудлиги ҳақидаги маълумотномаси талаб этилар эди, нотариус эса доимий прописка штампи туширилган вақтдан 3 йил ўтганини текширарди (бу шарт ҳозирда ҳам назарда тутилган).

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 28.08.2017 йилдаги 34-сонда расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

Онанинг ташвишлари

Ўғлим бир неча йил аввал Россияга кўчиб кетган. Россия фуқаролигига эга. Ҳозир оилавий шароити сабабли қайтишига тўғри келди. Уни Тошкентдаги ўз квартирамда пропискадан ўтказишим мумкинми (илгари у меникида пропискадан ўтган эди, бироқ бир йил аввал квартирамни ўша туманда бошқасига алмаштирганман)?

Бу вақтинчалик ёки доимий прописка бўладими (ишга жойлашиши керакми)? Агар вақтинчалик бўлса, қанча муддатга? Доимий пропискани қачон расмийлаштириш мумкин бўлади? У Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасини қачон ва қанча муддатга олиши мумкин?

Татьяна К. Тошкент ш.

– Хатингизда ўғлингиз РФда консуллик ҳисобида турган-турмаганлиги, фуқароликдан чиққан-чиқмаганлиги, унда ўзбек паспорти сақланган-сақланмаганлигини аниқ айтмаганиз. У Россия Федерацияси фуқароси бўлгани ҳолда шу пайтгача Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси). Шу сабабли у энг аввало сизнинг яшаш жойингиздаги ички ишлар органларини ўз мақоми ҳақида хабардор қилиши зарур.

Ички ишлар органлари ўзбек паспортини бериш (зарурат бўлганда), пропискадан ўтказиш ва фуқароликни йўқотиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этадилар.

Ички ишлар органлари ижобий қарор қабул қилганда ўғлингиз фуқароликни йўқотиш таомилини бошлаши керак (20.11.1992 йилдаги ПФ-500-сон Фармон билан тасдиқланган Низом).

Доимий пропискани расмийлаштириш учун у сизнинг яшаш жойингиздаги паспорт столига мурожаат қилиши зарур («Тошкент шаҳри ва Тошкент ви-

лоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун).

Рўйхатнинг 2-бандига асосан қариндошлар ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида прописка қилинади.

Тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлар, яъни ота-она фарзандларининг, фарзандлар ота-оналарининг, бобо ва бувилар неваларининг, неваларлар бобо ва бувиларининг уй-жой майдонида прописка қилинади.

Фуқаролар Тошкент шаҳри ШИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- паспорт;
- ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси;



➤ турар жой учун ҳужжатларнинг нота-риал тасдиқланган нусхалари;

➤ уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нота-риал тасдиқланган аризаси (розиллиги);

➤ никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ёки фарзанднинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нота-риал тасдиқланган нусхалари;

➤ давлат божни тўланганлиги тўғрисидаги квитан-ция (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 5-банди).

Сизнинг манзилингиз бўйича прописка қилинган чет эллик шахс учун яшаш гувоҳномасини ўғлингиз Президентнинг фуқаролиқни йўқотганлик тўғрисидаги Фармони чиққанидан кейин олиши мумкин.

Паспорт йўқотилган бўлса

Таътилда бошқа ерга кетганимда онам (ёши 82 да) ўзининг биометрик паспортини йўқотиб қўйибди. Кейинги ойларда у келини билан бир неча марта шифокор хузурига қатнаган, ста-ционарда ётган. Билишимча, паспортни ҳеч қаерда қолдирмаганлар. Бироқ ҳозир уни уйдан ҳам топа олмаямиз. Йўқотганлик ҳақида ари-за бериб, янгисини олишимиз керакми?

Янги паспорт қанча муддатда берилади? Бунинг учун қандай ҳужжатлар керак, қанча ҳақ тўлаш зарур?

Паспортни йўқотганлик учун жарима тўлаш-га тўғри келади-ми, унинг миқдори қанча?

Агар эски паспорт кейинчалик топилиб қолса, бу ҳолда нима қилиш керак?

А.Л.

– Паспортни йўқотиб қўйган фуқаро **зудлик би-лан** доимий рўйхатда турадиган жойидаги паспорт столига **хабар бериши лозим**. Мазкур идора қонун ҳужжатларида кўзда тутилган амалларни бажарган-дан кейин унга Ўзбекистон Республикасида пас-порт тизими тўғрисидаги низомда (5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова) назарда тутилган тартибда янги паспорт беради.

Фуқаро паспортини йўқотиб қўйган тақдирда, йўқол-гани ҳақида ариза берилган кундан сўнг **1 ой мобай-нида** белгиланган тартибда янги паспорт берилади.

Бунинг учун паспорт йўқотилганлиги сабабларини (ҳолатларини) кўрсатган ҳолда эркин шаклдаги ари-за билан мурожаат қилишингиз лозим. У ўғирланма-ганлигини тасдиқлашингиз керак. Ички ишлар органи ходими аризани қабул қилаётганда паспортни ўғир-латганингиз далили яширилган тақдирда жавобгарли-гингизни ошириш учун ушбу далилни қайд этади.

Бундан ташқари, қуйидаги ҳужжатларнинг нусха-лари тақдим этилади:

➤ йўқотиб қўйилган паспорт;

➤ туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома;

➤ рўйхатдан ўтказиш карточкаси, квартира карточ-каси ёки уй дафтари;

➤ никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, шу-нингдек оилавий ҳолатингиз ҳақида ФХДё бўлимидан маълумотнома (никоҳ тузилмаган ҳолатда ҳам).

Маълумот учун!

Фуқаролик йўқотилганда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортни ТШИБ ХЧКваФРБ ёки консуллик муассасаси томонидан **ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИ** ва фуқароликни йўқотганлик ҳақида **МАЪЛУМОТНОМА** берилади. Олиб қўйилган паспорт белгиланган тартибда **ЙЎҚ ҚИЛИНАДИ**.

Шунингдек давлат божни тўланганлиги ҳақида кви-танция ва 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 2 та фотосурат ҳам илова қилинади.

Паспорт 10 йил муддатга берилади.

Паспортни йўқотганлик учун ЭКИХнинг 1/2 қисми-дан 3 бараваригача миқдорда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган (МЖТКнинг 223-моддаси).

Толиб олинган эски паспортни ички ишлар органига топшириш лозим.

Ўз вақтида чиқиб кетинг

Квартира сотилганидан ва ундаги рўйхат-дан чиққандан кейин қанча вақт мобайнида Ўзбекистон ҳудудига бўлиш мумкин?

Г.Аширов. Тошкент ш.

– Доимий яшаш жойидаги рўйхатдан чиққан ва 3 иш кунини мобайнида Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетмаган фуқаро ҳужжатларини вақтинча рўйхатдан ўтиш учун бўлган жойидаги паспорт столига топши-риши шарт (Низом, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Фуқаро яшаши мўлжалланаётган жойга вақтинча рўйхатдан ўтиши учун қуйидагиларни тақдим этади:

➤ белгиланган шаклдаги ариза;

➤ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг пас-порти;

➤ туғилганлик ҳақида гувоҳнома (16 ёшга тўлма-ган, ота-онасидан, васийларидан ёки ҳомийларидан алоҳида яшайдиган шахслар учун);

➤ турар жой ҳужжатлари;

➤ давлат божни тўланганлиги ҳақида квитанция.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида бўлган фу-қаро доимий яшаш жойига кетиш учун пропискadan чиққан ва 5 кун муддатда чиқиб кетмаган бўлса, ўзи вақтинча турган жойидаги паспорт столига мурожаат қи-лиши ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

➤ ариза;

➤ паспорт;

➤ уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розиллиги);

➤ турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

➤ ҳисобга олинганлик учун давлат божни тўланган-лиги тўғрисидаги квитанция;

➤ турар жойни ёхуд унинг бир қисмини ижарага олиш ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан те-кин фойдаланиш тўғрисида нота-риал тасдиқланган шартноманинг нусхаси (Низом, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) яқин қариндоши (ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғиш-ган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) бўлса, турар жой ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шарт-номасининг нота-риал тасдиқланган нусхасини тақдим этиш талаб қилинмайди. Ушбу ҳолатда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фу-қаронинг ва турар жой ёхуд унинг бир қисми мулкдо-рининг (мулкдорларининг) қариндошлик даражасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилади.

Агар яқин қариндошлар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш нота-риал тартибда тасдиқ-ланган шартнома асосида амалга оширилган бўл-са, вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун ушбу шартноманинг нусхаси тақдим этилиши мумкин. Бунда уларнинг яқин қариндошлик даражасини тас-

диқловчи ҳужжатлар нусхалари талаб этилмайди (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўй-хатдан ўтказилган Йўриқнома).

Республика ҳудудига юқориди кўрсатилган муддат-лардан узоқроқ вақт бўлган ва вақтинча пропискасиз ёхуд ҳисобда турмасдан яшаган тақдирда ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 3 бараваригача миқдорда маъмурий жавобгарликка тортилишингиз мумкин (МЖТКнинг 223-моддаси).

Кутилмаган нохушликлар

Дугонам 1990 йилда онаси билан бирга Рос-сиядан Ўзбекистонга доимий яшаш учун келган. Бу ерда 16 ёшида Ўзбекистон фуқа-роси паспортини олган. Уни 25 ёшида алмаш-тирган. Йўқотиб қўйган, тиклаган. У доим Ўзбекистон фуқароси бўлган. Бу йил паспор-тини биометрик паспортга алмаштириш учун ҳужжатларини топширди. Суратга тушишга келганида унга рад жавоби бериб, фуқаролиги бўлмаган шахс эканлигини ай-тиб, ҳужжатларини қайтариб берганлар. Нима сабабдан 1990 йилдан бери Ўзбекис-тонда яшаётган ва ўз вақтида ЎзР фуқаро-си паспортини олган шахсни уни биометрик паспортга алмаштираётганида фуқаролиги бўлмаган шахс деб эълон қилиб, рад жавоби бердилар?

Н.Михалёва. Тошкент ш.

– «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа дав-латларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдир-ган шахслар Ўзбекистоннинг фуқаролари бўладилар («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғри-сида»ги Қонуннинг 4-моддаси).

Галингизга қараганда, дугонангиз 1992 йил 28 июл-гача (мазкур Қонун кучга кирган санагача) Ўзбекис-тон Республикаси ҳудудига доимий пропискага эга бўлмаган. Шу сабабли айни пайтда яшаш жойидаги паспорт столида биометрик паспорт олиш чоғида муаммога тўқнаш келган.

Паспорт столи ходимлари паспорт берилишига асосни текширишга ҳақлилар, бунинг натижасида паспорт қонунга хилоф тарзда берилганлиги аниқлан-ган кўринади (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Дугона билан паспорт қонунга хилоф тарзда берил-ганини далили юзасидан паспорт столида ўткази-ладиган хизмат текшируви натижаларини кутишига тўғри келади. У якунланган, фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномасини расмийлаштириб беришлари керак бўлади.

Санжар Хўжаахмедов, «Norma Online» эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ**

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Сайдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
Е-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теринди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўроғ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоуси келишилган нархда.
Буюртма 1127. Адади 1 095. Газета 2017 йил 11 сентябрь соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалала-
ри бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муражаат қилиш мумкин.